



ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

Бундай тадбирлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш жараёнида фуқаролар иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилади.



Тадбир бошланишидан олдин иштирокчилар ўртасида ўзаро суҳбат бўлди:

— Фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти қанча юксак бўлса, ижтимоий-сиёсий ислохотларга шунчалик таъсири кучли бўлади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ҳафиза Каримова. — Фуқаролик бурчи ва масъулиятини чуқур ҳис қилган, ислохотлар моҳиятини теран англаган кишилар ижтимоий фаол бўлади. Демак, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ташкил этиладиган семинарлар партияимиз электоратининг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллигини оширишда таъсирчан воситага айланиши зарур.



Санжар ШОПУЛАГАНОВ олган суратлар.

Сиёсий партиялар

демократик ислохотларни ҳаракатга келтирувчи кучдир

Семинарда сўзга чиққанлар бунга алоҳида эътибор қаратишди.

► Давоми 2-бетда.

ЎзХДП фракциясининг позицияси

Тижорат сирини фақат тадбиркорга дахлдор эмас

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси эса бу ўринда мулкдорга мутлақ ҳуқуқ берилиши айрим ҳолларда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин, деб ҳисоблайди. Фракцияимиз аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳасида тижорат сирини мувофиқлаштирувчи талабларни белгилашда меҳнат жамоалари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, албатта, эътиборга олинishi лозим.

ЎзХДП фракцияси тижорат сирини белгилаш, уни ҳимоя қилиш ёки фойдаланишга бериш тартиб-таомиллари ягона қонуний мезонлар доирасида бўлиши лозим, деган позицияни илгари сураётти. Яъни, бу ўринда айнан қандай ахборот тижорат сирини эканига доир мезонларни, тижорат сирини корхона фаолиятига зарар етказмаган ҳолда ахборотдан фойдаланувчилар, давлатнинг ваколатли органларига ошкор этиш, айни вақтда ҳимоя қилиш тартиб-таомилларини белгилаш долзарб масалалар.

3

ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида

Ижтимоий масалаларни ҳал этишда

депутатлар фаоллиги ошмоқда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси Ҳайъати қарорига мувофиқ, 2005 йилда партияимиз маҳаллий кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари ижтимоий масалаларни тизимли ўрганиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда маҳаллий партия Кенгашлари қошида 209 та Жамоатчилик қабулхонаси фаолият юритаяпти. Ҳар бир мурожаат партия фаоллари ва депутатлар томонидан пухта ўрганилиб, тегишли идора ҳамда ташкилотлар ёрдамида ҳал этилмоқда.

► Давоми 2-бетда.

ЎзХДП электорат манфаати

Қишлоқда замонавий корхона

Оқдарё туманидаги Пўлатдархон маҳалласида янги корхона иш бошлади. Касб-ҳунар коллежларининг 80 нафар битирувчиси доимий иш билан таъминланди.

— Болалар учун йигирма хилдан зиёд кийим-кечак ишлаб чиқараяпмиз, — дейди корхона раҳбари Фурқат Аҳмедов. — Кел-

лажақда корхона фаолиятини янада кенгайтириб, катталар кийимлари ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

— Бундай корхоналар қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишда, ёшларимиз, айниқса, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, — дейди ЎзХДП Оқдарё туман кенгаши раиси Умар Исмоилов. — Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нарх-навоси ҳам аҳоли учун маъқул бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Абдували ХУДОЁРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Ўз мустақиллиги ва тинчлигини асрай олган давлат

изчил тараққий этади, фуқаролари ҳаёти фаровонлигини таъминлайди



www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП бош мақсади: ижтимоий ҳимоя

47 нафар ишчининг 30 нафари ёшлардир.

Маҳсулот ҳажми кўпаяди, янги иш ўринлари яратилади

Ҳозирда электрни тежовчи лампаларга нисбатан талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Хусусан, Қашқадарё вилоятида намунавий лойиҳа асосида қурилатган қишлоқ уйларига ана шу турдаги электр лампалари ўрнатилмоқда. Бундай электр тежовчи ёриткичлар Деҳқонобод туманида ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

— Бугун бу каби корхоналарни ташкил этилиши ҳудудларда янги иш ўринлари очилиши-

га сабаб бўлмоқда. Туманимиздаги ўнлаб кичик корхоналарда асосан қишлоқ ёшлари, кол-

леж битирувчилари меҳнат қилаётганлиги бандлик масалаларига мамлакатимизда эътибор қанчалик юқори эканлигини кўрсатади, — дейди ЎзХДП Деҳқонобод тумани кенгаши раиси Ашир Норбоев. — Ушбу чиқоқлар электр қувватини тежайди, узоқ муддат ишлайди. Шу жиҳатдан олиб қарасак, ундан фойдаланиш оила бюджетини учун жуда фойдали.

Корхонага бундан икки йил

илгари «Шўртангазкимё» ДУК мажмуи томонидан асос солинган эди. Бу ерда ҳар куни 2,5-3 минг дона лампа ишлаб чиқарилаяпти. 47 нафар ишчининг 30 нафари ёшлардир. Келаси йили маҳсулот ҳажмини янада ошириш режалаштирилган. Бу янги иш ўринлари, касб-ҳунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш, деганидир.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Муносабат

Ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат

туйғусини шакллантиришда ёш сиёсатчиларнинг ўз ўрни бўлиши зарур

Инсон тақдирини Ватани тақдирини билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар кимнинг кўнглидаги орзулари амалга ошиши учун аввало юрт тинч бўлиши, одамлар хотиржам яшashi, меҳнат қилиши керак.

Бугун Ўзбекистонда ана шундай тинчлик, осуда ҳаёт ҳукм сурмоқда. Аммо дунёдаги айрим мамлакатларда кечаётган мураккаб сиёсий жараёнларни кузатар эканмиз, тинчликни сақлаш ўз-ўзидан бўлмаётгани, осуда ҳаётимизни асраб-авайлаш учун ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши зарурлигини чуқур англаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида бу борадаги ўта муҳим вазифаларга эътибор қаратди.

Қатъий ишонч билан айта оламизки, бугун Ўзбекистон ўзининг замонавий ҳарбий техника билан ҳар томонлама яхши таъминланган, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армияга эга. Унинг куч-қудратини янада ошириш кўпгина омилларга боғлиқ. Президентимиз табригида таъкидланганидек, ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни фаоллаштириш, бўлғуси аскарларнинг онгу тафаккурини, юртимиз тарихига оид билимларини ошириш, жисмоний чиниқтириш талаб этилади. Шунингдек, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, унинг Қуролли Кучлари билан гурурланиш ва ҳарбий хизматга ҳурмат туйғусини тарбиялаш лозим.

Бу вазифаларни амалга оширишда партияимизнинг «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳам муносиб иштирок этиши зарур, деб ҳисоблайман.

Ёшлар қаноти томонидан шу вақтга қадар «Мен ватаним равнақиға ҳисса қўшишни хоҳлайман» мавзусида кўрик-танлов, «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» мавзусида семинар ва давра суҳбатлари ташкил этиб келинмоқда. Уларда Ватан тақдирини дахлдорлик, унинг тараққиётига ҳисса қўшишга интилиш туйғуларини шакллантириш масалалари ҳақида фикр алмашилмоқда.

Давр талабларидан келиб чиқиб, шу йўналишдаги тадбирларни изчил давом эттиришимиз зарур.

Мамлакатимиз бўйича бизнинг ёшлар қанотимиз атрофида бир юз ўн бир минг нафар йигит-қиз бирлашган бўлса, улар орасида ёш сиёсатчилар кўпчилигини ташкил этади. Юқоридаги вазифаларимизни амалга оширишда улар кучи ҳамда имкониятларидан самарали фойдаланиши керак бўлади.

Мухаммадюсуф МАҲКАМОВ, ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент шаҳар Учтепа туман бўлими етакчиси.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят кенгаши раиси Дилором Абдураҳимова «Ўзбекистон овози» мухбири саволларига жавоб беради.

Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларидан бирида ўқийсиз.

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

Бундай тadbирлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш жараёнида фуқаролар иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилади.

ЎзХДП депутати ташаббуси билан

Сиёсий партиялар

демократик ислохотларни ҳаракатга келтирувчи кучдир



— ЎзХДП аъзоси сифатида партия томонидан ўтказилган сиёсий ўқувларда фаол иштирок этишга ҳаракат қиламан, — дейди **Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси, ЎзХДП аъзоси Дилноза Тошмухаммедова**. — Уларда электрорат вакиллари ва партия аъзоларини демократик ислохотлардан кенг хабардор қилиш ҳамда бу жараёнда фаол иштирок этишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Тадбир дастури билан танишиб, бугунги сиёсий ўқувда ҳам шу масалага уруғ берилганидан мамнун бўлдим...

Тадбир бошланди... Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзХДП Тошкент шаҳар ва туман кенгашлари фаоллари ва электрорат вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда тинчлик ва бар-

қарорликни, аҳоли фаровонлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар давлат қурилиши, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда эришилаётган ютуқларда ўз аксини топаётди. Хусусан, 2013 йилда аҳолининг реал даромадлари 15,7 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар микдори 20,8 фоизга ўсгани шубҳасиз, халқимиз фаровонлиги, ҳаёт даражаси юксалиб бораётганидан далолат беради, дейишди сўзга чиққанлар.

Шунингдек, алоҳида қайд этилдики, бугун одамларимизда фаол фуқаролик позицияси шаклланиб, уларнинг сиёсий онги ўсмоқда, ҳуқуқий маданияти юксалмоқда. Бу эса демократик ислохотлар янада чуқурлашиб боришининг муҳим шартларидан биридир.

Бундан ташқари, семинарда Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш масаласига ало-

ҳида эътибор қаратилди.

— Президентимиз ўз маърузасида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислохот эҳтишига айланishi зарурлигини таъкидлади, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева**. — Демак, жорий йилда партияимиз олдида турган вазифалар кўлами ҳар қачонгидан ҳам масъулиятли. Уларни самарали адо этиш учун партиянинг ҳар бир аъзоси, электроратнинг сиёсий-ҳуқуқий билими, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини юксалтириш алоҳида эътибор талаб этади. Бу масалаларни ҳал этиш учун нафақат марказлар, балки олис туман ва қишлоқларда ҳам демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оши-

риш борасида қилинаётган ишлар бўйича давра суҳбатлари ўтказиб, ҳаётини мисоллар асосида жонли мулоқот, эркин фикр алмашув, муайян масалаларни очик муҳокама этишни кўпроқ ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгилади. Бундай тadbирлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш жараёнида фуқаролар иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилади.

Семинарда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари электроратни ўйлантираётган масалалар юзасидан партия фракцияси илгари сураётган қонунчилик ташаббуслари ҳақида тўхталиб ўтишди.

— Қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиш, қабул қилишда депутатлар ҳамда сиёсий партияларнинг фракцияларига катта имкониятлар берилган, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Зиёвуддин Мансуров**. — Масалан, Қонунчилик палатасида қонунлар қабул қилиниши фракцияларнинг фикр ва таклифларисиз бўлмайди. Ҳар бир фракция қонун лойиҳалари муҳокамаида ўз электрорати манфаатини ҳимоя қилади.

Партияимиз Сайловолди Дастурида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, бандлик даражасини ошириш асосий вазифа сифатида белгиланган. Шундан келиб чиқиб, фракцияимиз қатор ташаббусларни илгари сурмоқда. Ҳар йили битта ёки иккита масалани Парламент эшитувига киритаяпмиз. Хусусан, фракция ташаббуси билан Меҳнат ва аҳолининг ижтимоий муҳофизат қилиш вазирлигининг Янги йил ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси тўғрисидаги ҳисоботи эшитилмоқда. Аҳамиятли жиҳати, депутатларимиз нафақат муаммоларни кўтараяпти, балки уларнинг ечимини бўйича таклиф ҳам киритмоқда. Мисол учун, бизнинг фракцияимиз таклифи билан янги йил ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури янада такомиллашди. Жорий йилда шу амалиётни янада фаоллаштиришни режалаштирдик.

Маърузалар давомида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида сиёсий партиялар иштироки, улар олдида турган вазифаларга алоҳида уруғ берилди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Фуқаролар мурожаатлари ўз ечимини топмоқда

Гурлан туманидаги «Жалойир» маҳалла фуқаролар йиғини биноси анчагина эскириб қолган эди. Шу боис ЎзХДП туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига маҳалла фаоллари шу масалада кўмак сўраб мурожаат қилишди. Депутатлик гуруҳи муҳокамасидан сўнг мазкур масала халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати, «МегаСфера» қўшма корхонаси раҳбари Муроджон Ваисовга топширилди.

Депутат аввало қурилиш, таъмирлаш соҳаси мутахассислари билан маслаҳатлашди, қанча маблағ зарурлигини ҳисоб-китоб қилиб чиқди. Шундан кейин тегишли ҳужжатларни тайёрлаб, масъул ташкилотларга мурожаат қилди. Масала охирига қадар ечимлашга олиб югурди. Негаки, айрим ҳолларда депутатлар йўллаган сўровларга тегишли ташкилотлар мужмал, қуруқ ваъдалар иборат жавоб хатлари ойориш билан чегараланиб қолади. Муроджон Ваисовнинг қатъий ҳаракати туфайли қисқа фурсатда маҳалла фуқаролар йиғини биноси тўла таъмирланди.

Хабарингиз бор, 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. «Жалойир»да бу сайлов фуқаролар йиғинининг замонавий кўринишидаги биносида ташкил этилгани билан ҳам кўпчилигининг ёлдида қолди. Одамлар янги бино маҳалла кўрмига кўрқ қўшганини таъкидлашди.

— Сайловчилар, аҳоли вакиллари билан доимий ўрашиб туриш, уларни ўйлантираётган турли масалаларни ўрганиш депутат фаоллиги, ташаббус-

корлиги ошишида муҳим аҳамиятга эга, — дейди **ЎзХДП Гурлан туман кенгаши раиси Ўғилжон Оллабергана**. — Буни Муроджон Ваисовдек жонқуяр депутатларимиз фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. У жисмоний имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, хотин-қизларни касаначилик, оилавий тadbиркорликка жалб қилишда жонбозлик кўрсатмоқда. Одамлар уни жонқуяр, халқ манфаатлари учун тунукун елиб-юғурадиган депутат сифатида ҳурмат қилишади.

Агар халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳимизнинг ҳар бир аъзоси ўзи сайланган ҳудуддаги муаммолардан хабардор бўлса, уларни ҳал қилиш йўлларини қидирса, амалий ишлар кўпаяди. Туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, партияимиз дастурий мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ ташаббуслар ортади. Муҳими, бундан одамлар манфаат кўради, туманда тараққиёт янада буй қўзади.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: «фаол аёллар» қаноти

Хайрохоҳлар сафи кенгаймоқда

Аёл қачон жамиятда ўзининг муносиби ўрнини топади? Бу кўп масалаларга боғлиқ, албатта. Лекин энг асосий омиллардан бири шундаки, аёл ўз қобилиятини юзага чиқариши, орзу-ҳавасларига етишиши учун имкониятлар яратилса, аёл ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билса, кўп ишларга қодир бўлади.

Бухоро вилоятида «Фаол аёллар» қанотининг 12 мингдан ортиқ аъзоси бор. Қувонарлиси, йилдан-йилга бизга хайрохоҳ бўлган хотин-қизлар сафи кенгайиб бораёпти. Утган йили 1565 нафар хотин-қиз сафимизга қўшилди. Бу эса зиммамизга катта масъулият юклайди. Биз хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иқтисодий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, уларни оилавий тadbиркорлик ва касаначиликка жалб этиш ҳамда ижтимоий-маиший шароитларини янада яхшилаш мақсадида қатор тadbирлар ташкил этаёپмиз.

Масалан, «Мустаҳкам оила — жамият таянчи» лойиҳаси доирасида ўтган йили 5 та маҳаллада амалий тadbир ўтказдик. Депутатлар, қанот фаоллари ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳи ҳудудларда хотин-қизлар муаммоларини ўрганиб, уларни бартараф этиш бўйича таклифларини ишлаб чиқди. Натияжада 16 нафар хотин-қизнинг ишга жойлашишига кўмаклашилди. Шунингдек, мазкур лойиҳа доирасида ўтказилган тadbирларда норасмий тарзда уй меҳнати билан шуғулланаётган аёллар учун меҳнат дарғарчалари очилди, улар меҳнатини расмийлаштириш бўйича зарур тушунтириш ишлари олиб борилди.

Қанотимиз ташаббуси би-

лан Шофиркон туманида «Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови» мавзусида ўтказилган амалий анжуманда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Тадбир давомида хотин-қизлар ўртасида тиббий кўрик акцияси ташкил этилди ва бир гуруҳ хотин-қизга вилоят марказий шифохоналарида даволаниш учун йўланма берилди.

2014 йил Соғлом бола йилида, аввало, она ва бола саломатлигини муҳофизат қилиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, аёлларнинг бандлик даражасини ошириш бўйича пухта ва ҳаётини лойиҳалар устида ишлашнинг зарур. Тадбирларни режалаштиришда ундан аниқ мақсадни кўзлаш, шунга мувофиқ тарзда мутахассисларнинг фаоллиги, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кучайтиришимиз талаб этилади.

Хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш бўйича белги-ланган ишлар доирасида муқобил тақдирларни қўпайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Шоҳиета НАБИЕВА,
ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси.

◀ Давоми. Боши 1-бетда.

ЎзХДП жамоатчилик қабулхоналарида

2013 йил давомида қабулхоналарга 11 мингдан ортиқ фуқаро турли масалалар бўйича мурожаат қилган.

Ижтимоий масалаларни ҳал этишда

депутатлар фаоллиги ошмоқда

Бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатларимиз ваколатларидан, хусусан, депутатлик сўрови, депутат мурожаати ҳамда ижтимоий ҳамкор ташкилотлар имкониятларидан унумли фойдаланиш яхши самара бераёпти. Бунинг натижасида одамларнинг Жамоатчилик қабулхоналарига ишончи янада ошиб бормоқда.

2013 йил давомида қабулхоналарга 11 мингдан ортиқ фуқаро турли масалалар бўйича мурожаат қилган ва уларнинг 75 фоизи тегишли идора ва ташкилотлар ёрдамида ижобий ҳал этилган. Тахлилларга кўра, 2013 йилдаги мурожаатлар сони 2012 йилдагига нисбатан сезиларли даражада кўпайган.

Мурожаатлар асосан ижтимоий масалаларни ўз ичига олган. Партия кенгашлари ва депутатлар ҳар бир мурожаат, унда кўтарилган муаммо ёки

таклиф бўйича алоҳида чора-тадбирлар белгилаб олади. Муаммони бартараф этиш давомида фаоллар жойларга чиқиб, жамоатчилик фикрини чуқур ўрганади. Бу — фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари аъзоларининг партия электрорати орасига янада чуқурроқ кириб боришини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Айтиш жоизки, қабулхонага ҳуқуқий маслаҳат, бирор бир масалани ҳал этиш юзасидан йўл-йўриқ сўраб келган фуқаролар ҳам кўпчилигини ташкил этади. Шу боис аксарият қабулхоналар ҳузурида ҳуқуқий маслаҳатхоналар ташкил этилган. Бу эса кишиларни ўйлантирган масалалар бўйича малакали жавоб берилиши билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини оширишга хизмат қилмоқда.

Аҳоли мурожаатлари билан ишлашда яна бир муҳим таж-

риба йўлга қўйилган. Яъни, чекка туман, шаҳар марказларидан олисда жойлашган давомиде фаоллар жойларга чиқиб, жамоатчилик ташкил этилиб, электрорат муаммолари жойларнинг ўзида ўрганилмоқда. Хусусан, ўтган йилда бўлган жами мурожаатларнинг 4 мингдан ортиғи айнан кўнма Жамоатчилик қабулхоналарида қабул қилинган.

Мурожаатларнинг аксарият қисми коммунал соҳа, бандликни таъминлаш ҳамда моддий ёрдам кўрсатиш хусусида бўлмоқда. 2013 йилдаги мурожаатларнинг 1251 таси коммунал соҳа, 1250 таси бандлик масаласида бўлган. Бу эса бевоқифа ЎзХДП Дастурида белгиланган вазифалар билан ҳамохандир. Шу боис аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежларини битирган ёшларни эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, оилавий тadbиркорликни йўлга қўйишга кўмаклашиш, ҳудудларда коммунал соҳада

2013 йилда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жамоатчилик қабулхоналарига 11 мингдан ортиқ фуқаро турли масалалар бўйича мурожаат қилди. Бу 2012 йилдагига нисбатан сезиларли даражада кўпдир.

Туман, шаҳар марказларидан олис ҳудудларда кўчма Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилиб, электрорат муаммолари жойларнинг ўзида ўрганилмоқда. Утган йилда жами мурожаатларнинг 4 мингдан ортиғи айнан кўчма Жамоатчилик қабулхоналарида қабул қилинган.

учраётган муаммоларни ҳал этиш, ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ долзарб масалалар депутатлар томонидан чуқур ўрганилиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Бир мисол. Яқинда ЎзХДП Ҳамза туман кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига «Маърифат» маҳалласи, Боку кўчаси, 114-уйда истиқомат қилувчи Мукаррам Эгамбердиева мурожаат қилди. Фуқаро мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи кам даромадли оилалардаги аёллар (6 нафар) ва ёш болаларни (16 нафар) бепул тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган. Мурожаат эътиборсиз қолмади. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳи аъзоси Ақром Ҳошимов ташаббуси билан ҳамкор ташкилотлар кўмағида масала ижобий ечим топди.

ЎзХДП Асака туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига «Ўзбекистон» маҳалласида истиқомат қилувчи Тоҳиржон Исақов ва Фотимахон Ашурова иш топишга ёрдам сўраб мурожаат қилишди. Депутат Феруза Раҳматованинг саъй-ҳаракати билан фуқаролар иш жойига эга бўлди.

Бундай мисоллар оз эмас. Аммо кимнингдир шахсий масаласини яқка ҳолда ҳал этиш билан чегараланиб бўлмайди. Энг муҳими, ҳудудларда қандай муаммолар борлигини ўрганиб, уларни умумлаштириб бориш, ечимини бўйича таклифлар шакллантиришдир.

Шуни ҳам тан олиш керакки, Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти барча ҳудудларда ҳам яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Айрим жойларда Жамоатчилик қабулхонасида депутатлар ва ҳуқуқшуносларнинг доимий иштирокини таъминлашда камчиликлар кузатилаёпти. Шунингдек, бир қатор туман ва шаҳарларда қабул қилнари тартиби аниқ йўлга қўйилмаган. Бундай эътиборсизлик ва масъулиятсизлик ҳолатлари билан мутлақо келишиб бўлмайди. Шунинг учун биз бугунги кунда ҳар бир партия ташкилоти Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини самарали йўлга қўйиши, шу орқали электрорат манфаатларига хизмат қиладиган амалий ишларни қўпайтиришини долзарб вазифа сифатида белгилаб олганмиз.

Фохриддин ЮЛДАШЕВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими.

◀ Давоми. Боши 1-бетда.

ЎзХДП фракциясининг позицияси

Қонун лойиҳасида белгиланган тижорат сирига бўлган талаблар бўйича ЎзХДП ва ЎзЛиДеП фракцияларининг позициялари турлича бўлмоқда.

Тижорат сири фақат тадбиркорга дахлдор эмас



Сиёсий партиянинг дастурий мақсадлари, сайловчилари хоҳиш-иродасини рўйбга чиқариш биринчи навбатда парламентда қонун ижодкорлиги жараёнига таъсир кўрсатиш йўли билан амалга оширилади. Шунинг учун ҳозирда барча сиёсий партиялар фракциялари парламентда муҳокама этилаётган қонунлар лойиҳалари юзасидан ўз электротрати манфаатларидан келиб чиқиб, принципал фикрларни билдирмоқда, уни ҳимоя қилишга интилоқда.

Айтиш керакки, қонунлар лойиҳалари бўйича ишни тизимли ташкил этишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламентига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар муҳим аҳамият касб этапти.

Парламент куйи палатасидаги қонун ижодкорлигининг барча босқичида сиёсий партиялар фракциялари (депутатлар гуруҳи) ўз фикр ва таклифлари билан иштирок этмоқда. Бу сиёсий партиялар фракциялари ўртасида тортишувларни, қизгин муҳокамаларни келтириб чиқармоқда. Айни пайтда тақомиллаштириш жараёнида бўлган «Тижорат сири тўғрисида»ги қонун лойиҳаси меъёрлари бўйича ҳам сиёсий партиялар фракциялари ўртасида турли фикр ва ёндашувлар юзасига келган.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, тижорат сири ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрлар умумий кўринишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига белгиланган. «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунда ахборот тақдим қилиш билан боғлиқ муносабатлар тартибига солинган бўлса-да, унда тижорат сири ва уни ҳимоя қилиш тушунчалари акс этмаган. Қонунчилик палатасида ҳар томонлама муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси бу муаммони ҳал этишга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Қонун лойиҳасида белгиланган тижорат сирига бўлган талаблар бўйича ЎзХДП ва ЎзЛиДеП фракцияларининг позициялари турлича бўлмоқда. ЎзЛиДеП фракцияси тижорат сирининг таркиби ва ҳажми ҳўжалик юритувчи субъектнинг мулкдори томонидан белгиланиши билан боғлиқ позицияни ҳимоя қилмоқда. Ушбу фракция аъзоларининг фикрига кўра, тижорат сири махфийлигини таъминлаш, ундан фойдаланишнинг ички қоидаларини ишлаб чиқиш,

ҳужжатларни жорий қилиш, сақлаш ва қўллашни ташкил қилишга оид ҳимоя чораларини кўришда мулкдорнинг ҳуқуқлари чекланмаслиги керак.

Чунки тижорат сири тижорат фаолияти билан шуғулланувчи ҳар қандай корхонанинг турли фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, моливий-иқтисодий амалиётлардаги ахборотлар сир сақлашига бўлган ҳуқуқидир. Яъни, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида тижорат сирини ташкил қилувчи ахборотлар бошқа моддий ва интеллектуал активлар сингари салмоқли ўрин эгаллайди. Бир сўз билан айтганда, тижорат сири моддий қийматга эга. Шундай экан, бундай ахборот эгаси уни ўз хоҳишига кўра ҳимоя қилишга, фойдаланишга бериш тартибини белгилашга ҳақли.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси эса бу ўринда мулкдорга мулк ҳуқуқ берилиши айрим ҳолларда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин, деб ҳисоблайди. Фракциямиз аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳасида тижорат сирини мувофиқлаштирувчи талабларни белгилашда меҳнат жамоалари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, албатта, эътиборга олиниши лозим.

ЎзХДП фракцияси тижорат сирини белгилаш, уни ҳимоя қилиш ёки фойдаланишга бериш тартиб-таомиллари ягона қонуний мезонлар доирасида бўлиши лозим, деган позицияни илгари сурапти. Яъни, бу ўринда айнан қандай ахборот тижорат сири эканига доир мезонларни, тижорат сирини қорхона фаолиятига зарар етказмаган ҳолда ахборотдан фой-

даланувчилар, давлатнинг ваколатли органларига ошкор этиш, айни вақтда ҳимоя қилиш тартиб-таомилларини белгилаш долзарб масалалар.

Қатор ривожланган давлатларнинг қонунчилигида ҳам тижорат сири, аввало, давлат ва жамият манфаатларига қарши бўлмаслиги кераклиги ҳақидаги меъёрлар акс этган.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари чуқурлашиб борагани сайин ҳўжалик юритувчи субъектларнинг сони кўпайиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам ривожланиб бораётгани иқтисодиётимизнинг барқарор, юқори суръатлар билан ўсишида юксак самаралар бермоқда. Юртимизнинг ишлаб чиқариш салоҳияти, меҳнатга лаёқатли аҳолининг асосий қисми банд бўлган иш ўринларининг барқарор сақланиши ва бошқа кўпгина ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ўз вақтида ҳал этиб борилиши уларнинг фаолиятига бевосита боғлиқ. Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида муҳим ўрин тутадиган тижорат сирига алоқадор масалаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашмаслиги оддий ишчи-ҳодимлар, меҳнат жамоалари, истеъмолчилар манфаатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Қолаверса, тижорат сири билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларнинг ҳал қилинмаслиги корхоналардаги иш ўринларининг беқарорлигини ҳам келтириб чиқариши мумкин. ЎзХДП фракцияси қонун лойиҳасини тақомиллаштириш жараёнида масаланинг айнан шу томонларини ҳам, албатта, ҳисобга олиш керак, деган позицияда турибди.

Фракциямиз қонун лойиҳасида акс этган яна бир масалага

эътибор қаратмоқда. Қонун лойиҳасида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ҳақидаги ахборотдан фойдаланиш имконини чекловчи ёки қийинлаштирувчи меъёрлар мавжуд.

Уларга асосан ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари тижорат сирига кирмайдиган ахборотларни ҳам тақдим этишни пайсалга солиши мумкин. Шу боис бизнинг фракция ЎзЛиДеП фракциясидан фарқли равишда қонун лойиҳасида тижорат сирига кирмайдиган маълумотларнинг турлари ва хусусиятларини янада аниқлаштириш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

Ҳозирда ҳар бир фракция «Тижорат сири тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини асослаб беришга ҳаракат қилапти. Сабаби тижорат сири билан боғлиқ ҳуқуқий асос мустаҳкамлиги нафақат ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида, балки уларда ишлаётган меҳнат жамоаларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тижорат сири ҳақидаги меъёрларнинг номувофиқ белгиланиши ҳам қорхона фаолиятига, ҳам унинг ишлаб чиқариш кўлами ва даромадларига, ишчи-ҳодимлар манфаатларига салбий таъсир этиши мумкин. Шу маънода тижорат сири фақат тадбиркорга дахлдор масала эмас. Демак, у билан боғлиқ муносабатларни тартибга соладиган қонунчилик ҳар томонлама пишиқ ва пухта бўлиши лозим.

Дилбар ХОЛИҚОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

ЎзХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг дастурий мақсадларини, биринчи навбатда, Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган ислохотлар сратегиясининг ижтимоий устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

ЎзХДП бош мақсади:
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



Андижон вилоятида

Йўловчи ташувчи транспортларда мактаб ўқувчилари учун имтиёз жорий этилди

— Бугунги кунда Андижон шаҳридаги иккита транспорт хизмати кўрсатувчи корхонанинг 165 та автобуси 9 йўналишда қатнаб, ўқувчиларга бепул хизмат кўрсатмоқда, — дейди «Ўз-автодарётранс» агентлиги Андижон вилоят худудий бўлими бошлиги Улугбек Маниёзов. — Масъулияти чекланган жамият таркибидagi «Газель», «Дамас» русумли автомобиллар ҳам улар қаторига қўшилди. Айни пайтда вилоятдаги 386865 нафар мактаб ўқувчиларининг 19623 нафари жамоат транспортдан фойдаланади. — Вилоятимиздаги бу хайрли ташаббус ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун ҳам айни мuddо бўлди, — дейди Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси, Жалакудук педагогика ижтимоий-иқтисодий коллежи директори Илтижоҳон Бурҳонов. — Биз партия-миз дастурий мақсадларига мос бўлган бундай сайё-ҳаракатларни қизгин қўллаб-қувватлаймиз.

Ташаббус асосидаги тадбирни самарали амалга оширишни таъминлаш учун вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамда давлат солиқ инспекцияси ходимларидан иборат 4 та гуруҳ ташкил қилинди. Келгусида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига ҳам имтиёзли транспорт хизмати кўрсатиш амалга оширилиши режалаштирилган.

Ташаббус асосидаги тадбирни самарали амалга оширишни таъминлаш учун вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамда давлат солиқ инспекцияси ходимларидан иборат 4 та гуруҳ ташкил қилинди. Келгусида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига ҳам имтиёзли транспорт хизмати кўрсатиш амалга оширилиши режалаштирилган.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Ободлик кўнгиладан бошланади

Бунёдкорликлар

аҳоли турмуш шароитини яхшиламоқда

Сурхондарё вилоятида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Профилактика ва даволаш ишларини янада яхшилаш, тиббиёт масканларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш масалаларига, айниқса, катта эътибор берилмапти. Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 243 та кишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда.

Шўрчи туманидаги «Шалдирок» маҳалла фуқаролар йиғини худудида ҳамда Бойсун ва бошқа чекка тоғли туманларда қад рўстлаган тиббиёт масканларидаги шарт-шароит шаҳардагидан асло кам эмас.

Вилоятда соғломлаштириш масканлари ва даволаш муассасалари биноларини қуриш ҳамда уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ишлари ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Масалан, Термиз шаҳридаги кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Қумқўрғон туманидаги 280 ўринли тиб-

биёт бирлашмасининг янги биноси қайтадан тўлиқ таъмирланган бўлса, вилоят сил касаллиқларига қарши кураш диспансерига 40 ўринга мўлжалланган жаррохлик бўлими қуриб битказилди.

Президентимиз ташаббуси билан кишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жойлар бунёд этилаётганлиги аҳоли, айниқса, ёш оилалар учун катта қўлайликлар туғдирмоқда. Ҳозирга қадар вилоятда жами 2075 ана шундай уй қуриб битказилди. 2013 йилнинг ўзига вилоятнинг 21 масивидида 810 яқка тартибда уй-жой барпо этилди.

2013 йилда вилоятда ижтимоий соҳа иншоотлари, жумладан, мактаб, коллеж, болалар музика ва спорт мактабларида белгиланган ишларни бажариш учун жами 150 миллиард сўмдан ортик маблағ сарф этилди. Термиз давлат университети-нинг яна бир янги биноси фойдаланишига топширилди.

Амалга оширилаётган бу ишлар, бунёдкорликлардан қўзланган асосий мақсад — соғлом авлодни тарбиялаш, халқимиз турмуш шароитини яхшилаш, ҳаётини фаровонлаштириш.

Абди ҚОДИРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Семинар Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи 8 фоиздан 7,5 фоизга туширилди.

Солиқ соҳасидаги янгилик ва ўзгаришлар

халқимиз даромадини оширишга хизмат қилади

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Давлат солиқ кўмитаси ташаббуси билан Молия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳамкорлигида 2014 йилда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалардан кенг жамоатчиликни баҳардор қилиш мақсадида кўргазмали семинар ташкил қилинди.

Ўтган йилнинг якунида солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари доирасида бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, 2013 йил 25 декабрда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Қарорга асосан, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг куйи шкаласи бўйича солиқ ставкаси 8 фоиздан 7,5 фоизга туширилди. Шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлардан олинadиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари асосан 2013 йил даражасида сақлаб қолинган ҳолда бошқа аҳоли пунктларида (кишлоқ жойларда) газета, журнал ва китоб маҳсулотлари билан чакана савдо қилувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси жорий йил 1 январдан бошлаб, энг кам иш ҳақининг 2 баробаридан 0,5 бараварига пасайтирилди. Бунда қатъий белгиланган солиқ ставкаси йил бошига, яъни 2014 йилнинг 1 январига белгиланган энг кам иш ҳақи (96105 сўм) миқдоридан келиб чиқиб аниқланиши ва йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда қайта қўриб чиқилмаслиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, жорий йилдан бошлаб, жисмоний шахслар томонидан мол-мулкни ижарага бериш тартибига ҳам ўзгаришлар киритилди ва ижара ҳақининг олий энг кам миқдорлари ўрнатилди. Жумладан, жисмоний шахслар томонидан турар-жойни ижарага беришда 1 кв. метр учун Тошкент шаҳрида — 3000 сўм, Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда — 2000 сўм ва бошқа аҳоли пунктларида 1000 сўм энг кам ижара ҳақи миқдорлари белгиланди. Шу билан бирга нотурар жойларни ижарага беришда ҳам шундай тартиб жорий этилди. 1 кв. метр учун Тошкент шаҳрида — 6000 сўм, Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунув-

чи шаҳарларда — 4000 сўм ва бошқа аҳоли пунктларида — 2000 сўм миқдорида белгиланди.

Енгил автомобилларга (йўловчилар, юк ташиш учун мўлжалланган ва ўриндиклари сони ҳай-довчини ҳисобга олмаган ҳолда 8 та жой-дориди кўп бўлмаган автотранспорт воситаси) 1 автотранспорт воситаси учун — 220 миң сўм, микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобилларга эса 1 автотранспорт воситаси учун — 430 миң сўм миқдорида белгиланди.

Бундан ташқари, жорий йилдан бошлаб юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга пасайтирилди. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловчининг 2013 йилдаги ставкаси сақлаб қолинди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари учун пластик қарталар қўлланиб, ҳақ тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича белгиланган ставкани камайтириш 2013 йилдаги 10 фоиз ўрнига 5 фоиз миқдорда белгиланди. Асосий воситаларни қай йили мажбурий қайта баҳолаш бекор қилиниб, уларни ҳар уч йилда бир марта ўтказиш жорий қилинди.

2013 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Президентимизнинг айрим Фармонларига ўзгаришлар киритилиб, солиқ имтиёзлари муддатлари узайтирилди.



2013 йил 30 мартдаги «Халқ бадийи ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириши янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармон бўйича уй шароитида халқ бадийи ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари ишлаб чиқарадиган яқка тартибдаги тадбиркорларга ва оилавий

корхонага белгиланган солиқ имтиёзлари 2017 йилнинг 1 январигача қўлланилади.

2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперациони кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга асосан меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилиш 2019 йилнинг 1 январигача жорий қилинди.

Солиқ кодексининг 305, 311 ва 370-моддаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оилавий тадбиркорлик субъектларининг қатъий белгиланган солиқ ва сугурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Шунингдек, семинарда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги фаолият юритувчи ҳўжалик субъектлари вакиллари томонидан берилган саволларга масъул ҳодимлар томонидан батафсил жавоб берилди.

Тадбирда солиқ мажбуриятларини ўз вақтида адо этиб келаётган намунали солиқ тўловчиларнинг бир гуруҳига Давлат солиқ кўмитасининг фахрий ёрликлари топширилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Жиззах вилоятида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши ташкил этилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш иш бошлади

Кенгашнинг дастлабки йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 декабрдаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларнинг намунавий низомларини ва таркибларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ янги тузилманинг таркибини ҳамда низомини тасдиқлаш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида жамият сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётининг ажралмас қисми ва бирламчи бўлини сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тақомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи ушбу кенгаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тақомиллаштириш борасида амалга оширилаётган тадбирларнинг мантаний давомидир, — дейди Кенгаш масъул котиби, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раисининг ўринбосари Узокбой Рисқулов. — Кенгаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг тақомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилишига кўмаклашиб, улар фаолиятидаги муаммоларни ўрганиш ва тизимли ҳал этиш юзасидан асосланган таклиф ҳамда таъсирчан механизмлар ишлаб чиқади.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

Кимга совуқ, кимга иссиқ?

Ёки глобал иқлим ўзгаришларининг оқибатлари



Кейинги пайтларда об-ҳавонинг кутилмаган инжиқликлари дунёдаги кўплаб давлатларга катта иқтисодий зиён етказмоқда. Энг ачинарлиси, табиий офатлар одамлар умрига ҳам зомин бўлмоқда.

Ўтган йил ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида Филиппиннинг марказий қисмида ўтган «Хайян» тропик тўфони

мамлакат аҳолиси бошига катта кулфатлар солган. Яъни, 10 миллиондан ортиқ киши табиий офатдан жабр кўрган ва иқтисодий зарар 10 миллиард доллардан ортиб кетган.

Ноябрнинг иккинчи ўн кунлигида эса кучли қор бўронлари Хитой, Испания ҳамда Франция аҳолисига таъшиш келтирди. Шунингдек, ўтган йилнинг декабрь ойи ҳам табиий офатларсиз ўтмади. Ушанда АҚШ, Европанинг бир қанча мамлакатлари ва Хитойда об-ҳаво жуда ноқулай келди. Шанхайни қоплаган қуёқ туман бир

ҳафта давом этди.

Гренландиядан куч олган «Ксавьер» денгиз пўртанасининг шамоли соатига 225 километр тезликда эсиб, Европанинг бир қанча мамлакатлари — Буюк Британия, Дания, Шотландия, Германия, Голландия, Норвегия, Польша, Скандинавия ҳамда Болтиқбўйи давлатларига катта талафотлар келтирди.

АҚШга эса Арктика циклони ёпирилиб, Оклахома, Теннесси ва Арканзас штатларида кучли қор бўрони авж олди. Худди шундай ҳолат АҚШда

Денгиз пўртанасининг шамоли соатига 225 километр тезликда эсиб, Европанинг бир қанча мамлакатларига катта талафот келтирди.

яна қайталанди. Янги йилнинг биринчи ўн кунлигида ҳавонинг кескин совиши натижасида кўрилган иқтисодий зарар миқдори дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 5 миллиард доллардан кам эмас. Бу эса жорий йилнинг биринчи чора-қарорида АҚШ яъни ички маҳсулотининг 0,2 фоиз тушиб кетишига олиб келади. «Planalytics Inc» экспертлари таҳлилига асосланган «CBS News» бу ҳақда хабар тарқатди.

Ноқулай об-ҳаво шароити туфайли биргина «JetBlue» авиакомпанияси 4 январдан 7 январгача 10 мингдан ортиқ парвозни бекор қилган. Энди эса аэропортларда кутиб қолган

йўловчилардан кечирим сўраган ҳолда, уларга маълум миқдорда товон пули тўлашга мажбур бўлмоқда. Бундан ташқари, аэропортларда йиғилиб қолган йўловчиларга турли бонуслар тақдим этиш орқали ўз мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда.

Қисқаси, об-ҳаво инжиқлиги авиакомпания учун 50 миллиондан 100 миллион долларгача зарар келтирмоқда.

«Bloomberg Businessweek» нашри фикрича, 15 даражадан пастга тушиб кетган совуқ ҳаводан зарар кўрмаган соҳа қолмади. Фақат автогаъмир устаноналари, кураклар, туз, қор тазалаш ускуналари савдосининг фойда кўрди холос.

АҚШ ҳудудида энг паст ҳарорат Миннесота штатининг Эмбаррасс шаҳрида қайд этилди: минус 37 даража. Бу ҳарорат Марсдаги ва Антарктиданинг айрим ҳудудларидаги ҳароратдан анча пастдир. Умуман, миңнусли ҳарорат АҚШнинг 50 та штатида қайд этилди. Аномал совуқ 20 кишининг умрига зомин бўлди.

Ер шарининг бошқа қитъасида — Австралияда аксинча ўта иссиқ об-ҳаво ҳужм сурмоқда. «The Telegraph» ахборот агентлиги хабар беришича, мамлакат шимоли-шарқидидаги Квинсленд штатида ўтган ҳафта ўта юқори ҳарорат кузатилди. Иссиқ ҳаво Цейлон шаласи бўйича 43 даражадан ҳам ортиб кетди. Бу эса штат ҳудудида

яшовчи кўршапалакар галасининг 25 та уйори иссиққа дош беролмай ўлишига сабаб бўлди. Уларнинг сони юз мингдан ортиб кетди.

Кизиги ва ачинарлиси, айрим қушлар парвоздалигидаёқ иссиққа дош беролмай ерга қулаган ва нобуд бўлган. 16 киши осмондан қулаган қуш етказган жароҳат туфайли шифокорга мурожаат этган. Штат маъмурияти эса аҳолига касал жонзотларга яқинлашмасликни тавсия этди ва инфекция юқтириб олмастликка чақирди.

Аргентинада ҳам табиат билан боғлиқ ҳолат рўй берди. «Telam» ахборот агентлиги хабарига қараганда, мамлакатнинг Вилья-Хесел курорт шаҳридаги чўмилиш ҳавзасида кутилмаганда ҳаво айниб, чақмоқ чақа бошлаган. Сайёҳлар эса яширинишга улгуролмай қолишган. Натижада 22 кишини чақмоқ урган. Ҳайрият, қурбонлар бўлмади.

Воқеалардан кўриниб турибдики, табиат инсоният бошига турли синовларни солмоқда. Бунинг сабабини эндиликда барчамиз яхши биламиз: глобал иқлим ўзгаришлари оқибати. Глобал иқлим ўзгаришлари сабабини эса кишилик жамияти ва унинг антропоген таъсирларидир. Бу таъсирларни камайитириш бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг долзарб вазифасига айланган.

Алимбек ТОШБЕК
шаҳрида.

Шахмат

ЁШ ШАХМАТЧИМИЗ МАҒЛУБИЯТСИЗ ҲИНАМОҚДА

Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида давом этаётган шахмат бўйича «12th Delhi International Grandmasters Chess Tournament — 2014» халқаро турнири ҳал қилувчи паллага кирди.

18 ёшгача шахматчилар ўртасида Ўзбекистон чемпиони Бобур Сатторов мусобақа яқунлишига икки тур қолганида совринли ўринларга даъвогарлик қилмоқда.

Мусобақада мағлубиятсиз дона сураётган ҳамюртимиз саккизинчи турнинг марказий учрашувида ҳиндистонлик халқаро гроссмейстер Лалит Бабу билан дуранг ўйнади. Очқолари сони олтигача етказган Бобур Сатторов мезбон шахматчилар — Лалит Бабу, Анкит Рахпар ва украинлик гроссмейстер Валерий Неверов билан бирга иккинчи погонани эгаллаб турибди.

Мамлакатимиз шахматчиларидан таъриблик гроссмейстер Марат Жумаев ва ёш шахматчи Улуғбек Тиллаев саккизинчи тур баҳсида ҳиндистонлик рақиблари — Карти Кеян ва Викрамдита Кулкар устидан зафар кучди. Ўзбекистон чемпионати биринчи лигаси ғолиби Акмал Файзуллаев мезбонлар вакили Рағунандан Каумандур билан дуранг ўйнади.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

Баркамол авлод орзуси

ОЛТИНСОЙДА МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБИ ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Ушбу тadbир нафақат ўқувчилар, балки уларнинг онаналари, устоз ҳамда мураббийлари учун ҳам ҳақиқий шодийнага айланиб кетди.

Мазкур санъат масканининг умумий лойиҳа қиймати 2 миллиард сўмдан ошиқроқ бўлиб, уни «Саодатбону-Азиза-Термиз» хусусий корхонаси қурувчилари бунёд этди. Бу ерда 156 нафар ўғил-қиз санъатнинг бешта йўналиши бўйича тахсил олади.

— Авваллари фарзандларимиз қўшни туман ёки вилоят марказига боришига тўғри келарди. Энди ўзимизда ҳам барча шарт-шароитга эга мактаб бор, — дейди мактаб директори Қаҳрамон Пардаев. — Янги мактабга қиймати 500 миллион сўмдан ортиқ 60 турга яқин мусиқа асбоби келтирилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Реклама ўрнида



Сармоялар аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда узокни ййлаб, изчиллик билан амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар натижасида аҳоли даромади, турмуш даражаси йил сайин ортиб бораёпти.

Иқтисодиётнинг асосий таянчига айланган кичик бизнесни тараққий эттириш, истиқболли соҳаларни хар томонлама молиявий қўллаб-қувватлаш молия-банк тизими зиммасига катта масъулият юклатмоқда. Бу борада Халқ банки томонидан ўтган йил давомида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бунинг самараси ўлароқ йил бошига нисбатан банкнинг жами капитали 35,4 млрд. сўмга ортиб, 309,8 млрд. сўмни, жами активлари 617,5 млрд. сўмга ортиб, 2766,0 млрд. сўмни, жами жалб қилинган аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банк депозитларидаги маблағлари ҳажми 598,6 млрд. сўмга ортиб, 2226,2 млрд. сўмни, кредит қўйилмалари ҳажми 400,8 млрд. сўмга ортиб, 1471,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Банк томонидан олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини нафақат мижозлар, балки нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам юқори баҳоламоқда. Ўтган йилнинг август ойида «Standard & Poor's» халқаро рейтинг агентлиги томонидан «B+/B» - «Барқарор» рейтинг даражаси қайта тасдиқланди. Шунинг ўзи ҳам Халқ банкининг барқарор


фаолият олиб бораётганлигини кўрсатади.

Халқ банкининг республикамиз бўйлаб кенг тарқалган тармоқлари ўз фаолиятини бошлаётган тadbиркорларга, айниқса, олис қишлоқ жойларидаги ҳўжалик юритувчи субъектларга бизнес-режа лойиҳаларини амалга ошириш, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, маслаҳатлар бериш борасида катта ёрдам бериб келмоқда.

Натижада бугунги кунда экспорт ўрнини босувчи турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ички бозорни арзон ва сифатли товарлар билан тўлдирishга муваффақ бўлинмоқда. Таъкидлаш жоизки, ўтган йил давомида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига 579,0 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилиши натижасида 35514 иш ўрни яратилишига эришилди.

Шунингдек, банк филиаллари томонидан ажратилган микрокредитлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 53,4 млрд. сўмга ортиб, ҳисобот даврига 170,5 млрд. сўмни ташкил этди. Банк томонидан олиб борилаётган мониторинг натижалари берилаётган сармоялар самарали эканлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»-ги ва 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтиришнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»-ги қарорлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни хар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда



бозорларимизни янада арзон ва тўқин бўлишига имкониятлар яратди. Қолаверса, озиқ-овқат хавфсизлиги дунё миқёсида глобал муаммо бўлиб турган айни чоғда аҳолини сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш жуда муҳимдир. Шунинг назарида туган ҳолда ва юқоридаги қарорлар ижросига кўра, 205,1 млрд. сўм миқдоридида кредит маблағлари ажратилди ва натижада 10130 қўшимча иш ўринлари яратилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Халқ банки ва хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси ўртасида 2013 йил 29 сентябрда тузилган умумий миқдори 15,0 млн. АҚШ долларли бўлган кредит линияси бўйича келишув ҳам бу борадаги ишларнинг янада ривожланишига асос бўлди. Бу эса ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш, айниқса, чет элдан замонавий техника-технологияларни олиб кириш натижасида ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш ҳамда қўшимча иш ўринларининг ташкил этилишини таъмин-

лайди. Банк томонидан депозитларга аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини жалб этишни ҳамда пул маблағларини банк айланмасига йўналтиришни янада кенгайтириш, шунингдек, депозитлар салмоғини ошириб бориш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Натижада жисмоний шахсларнинг депозитлари қолдиги ҳисобот даврига 1385,7 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 367,3 млрд. сўмга кўп демакдир.

Аҳоли ва ҳўжалик субъектларнинг бўш пул маблағларини узок муддатли банк депозитларига жалб қилиш борасида ўтган йил давомида 8 та янги турдаги «Обод турмуш», «Наврўзинг мувожланишига асос бўлди. Бу эса ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш, айниқса, чет элдан замонавий техника-технологияларни олиб кириш натижасида ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш ҳамда қўшимча иш ўринларининг ташкил этилишини таъмин-

лайди. Ҳозирги кунда Халқ банкида миллий ҳамда хорижий валю-

таларда 15 турдаги муддатли, жамғарма ва ютқили омонат турлари мавжуд бўлиб, ушбу омонатларга аҳоли бўш маблағларини кўпроқ жалб этишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Мижозлар талаб ва эҳтиёжларини хар жиҳатдан ўрганган ҳолда банк томонидан пластик картчалар билан ишлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Ҳисобот даврида жами эмиссия қилинган пластик картчалар сони ўтган йилга нисбатан 339,6 миң донага ошиб, 1.517 миң донага ташкил этди. Шунга мос равишда жойларда 19.623 та терминалларнинг доимий ишлашига эришилди. Бундан ташқари, банк филиалларида 74 та инфокиос ва 21 та банк-оматлар самарали хизмат кўрсатмоқда.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти Халқ банкининг нафақат ўз мижозлари, балки бошқа банк мижозлари билан юзма-юз келиб, узвий алоқада бўлиш воситасидир. Бу жараён ҳам банк ходимлари зиммасига катта масъулият юклаган ҳолда, хар бир ишни янада тез ва аниқлик билан амалга оширишни талаб этмоқда. Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, Халқ банкида 2014 йил 1 январь ҳолатига жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобот олинган корхона ва ташкилотлар сони 435,8 миңгача ва фуқароларга очилган ҳисоб-рақамлар сони 8.204,8 миңгача ташкил этди.

Халқ банкининг стратегик мақсадларидан яна бири замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда банк хизматлари қўлами ва сифатини янада ошириш ҳамда мижозларга ўз ҳисоб варағидида маблағларини масофадан туриб бошқариш имкониятини берувчи қўшимча қўлай-

ликлар яратиш механизмларидан бири бўлган интерактив хизмат турларини амалиётга татиқ этишдан иборат.

Корпоратив мижозлар ва жисмоний шахслар учун интерактив (интернет ва мобил банкинг, мобил ва майл информерлар — банка қўйилган маблағларини масофадан туриб бошқариш имкониятини берувчи) хизматлардан фойдаланувчи мижозлар сони 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига 18223 тага етказилиб, 10,7 баравардан зиёдроқ ўсишга эришилди.

Халқ банки томонидан реестрларни электрон қўринишда тақдим этишни автоматлаштириш мақсадида «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида реестрларни қабул қилишни автоматлаштириш» (ташкилот (мижоз) - банк) интерактив хизмат тури, яъни реестрларни интернет тармоғи орқали қабул қилиш дастурий тизими ишга туширилди. Мазкур тизимда рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони ўтган йилга нисбатан 48337 тага ортиб, ҳисобот даврига 81037 тани ташкил этди.

Бундан ташқари, «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти» дастурида ўз ҳисоб-рақамларини интернет ва мобил телефон алоқаси орқали мониторинг қилиб бориш тизими татиқ этилди. Бунда, мобил телефон алоқасининг СМС хизмати орқали шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағи қолдигини назорат қилиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Халқ банки мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларда фаол иштирок этиб, юртдошларимиз турмуш фаровонлиги йўлида хизматлар қўламини янада кенгайтириб бораверади.

Банк матбуот хизмати.

MUASSIS:
XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-54-55; Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqliy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kothibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 160
21183
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21.25
Toshirilgan vaqti — 00.25

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Temur XUDOYBERDIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5